

КарДУ ХАБАРЛАРИ



2021

МАХСУС СОН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Журнал 2009 йилда
ташкил этилган**

**Йилига 4 марта
чоп этилади**

МАХСУС СОН

Қарши – 2021

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Бош мухаррир
Бош мухаррир ўринбосари
Масъул котиб

проф. НАБИЕВ Д.Х.
доц. ХОЛМИРЗАЕВ Н.С.
доц. ЖУМАЕВ Т.Ж.

Таҳририят ҳайъати аъзолари:

проф. ЖАББОРОВ А.М.
проф. ЖАББОРОВ Н.А.
б.ф.д. КУЧБОЕВ А.Э.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р.
проф. МУРТОЗАЕВА Р.Х.
проф. РАҲМОНОВ Н.Р.
проф. РОЗИҚОВ Ў.А.
проф. СУЛАЙМОНОВ Р.Х.
проф. МАҲКАМОВА Н.
проф. ХАЙДАРОВ М.М.
проф. МАВЛОНОВ Ў.М.
акад. САГДУЛЛАЕВ А.А.
проф. ТҮРАЕВ Д.Т.
фалс.ф.д. ЧОРИЕВ С.А.

пед.ф.д. ШОДИЕВ Р.Д.
ф.ф.д. ШОДМОНОВ Н.Н.
ф.-м.ф.д. ШУКУРОВ А.М.
проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. ЭШҚОБИЛОВ Ю.Х.
проф. ҚУРБОНОВ Ш.Қ.
проф. ФАФФОРОВА Т.Ғ.
доц. АБДУЛЛАЕВ С.И.
доц. БҮРИЕВ О.Б.
доц. КАМОЛОВ Л.С.
доц. ЭРКАЕВ А.П.
доц. ҲАЛИМОВ Ф.Ғ.
доц. РАҲМАТОВ М.

Манзилимиз: 180003, Қарши, Кўчабоғ, 17. Қарши давлат университети, Бош бино.

Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор
Заместитель главного редактора
Ответственный секретарь

проф. НАБИЕВ Д.Х.
доц. ХОЛМИРЗАЕВ Н.С.
доц. ЖУМАЕВ Т.Ж.

Члены редколлегии:

проф. ГАФФАРОВА Т.Г.
проф. ДЖАББАРОВ А.М.
проф. ДЖАББАРОВ Н.А.
проф. КУРБАНОВ Ш.Қ.
д.б.н. КУЧБАЕВ А.Э.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р.
проф. МУРТАЗАЕВА Р.Х.
проф. РАЗИКОВ У.А.
проф. МАҲКАМОВА Н.
проф. РАҲМАНОВ Н.Р.
проф. СУЛАЙМАНОВ Р.Х.
проф. ТУРАЕВ Д.Т.
акад. САГДУЛЛАЕВ А.А.
проф. ХАЙДАРОВ М.М.

д.филос.н. ЧАРИЕВ С.А.
д.пед.н. ШАДИЕВ Р.Д.
проф. МАВЛОНОВ Ў.М.
д.ф.н. ШАДМАНОВ Н.Н.
д.ф.-м.н. ШУКУРОВ А.М.
проф. ЭШҚАБИЛОВ Ю.Х.
проф. ЭШОВ Б.Ж.
доц. АБДУЛЛАЕВ С.А.
доц. БҮРИЕВ О.Б.
доц. КАМАЛОВ Л.С.
доц. ҲАЛИМОВ Г.Г.
доц. ЭРКАЕВ А.П.
доц. РАҲМАТОВ М.

Адрес редакции:

180003, Карши, Кучабаг, 17. Каршинский госуниверситет, Главный корпус.

Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@qarshidu.uz или qarduxj@umail.uz

Resume
Sunatov D.

Socio-philosophical aspects of views on cultural space

In this article, the views of scientists on the cultural space are scientifically substantiated and analyzed in detail.

Наирга проф. С.Чориев тавсия этган

**ФАРГОНА ВОДИЙСИННИНГ ТРАНСМИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАРДАГИ ЎРНИ**

Нурматов А.Р. (НамДУ)

Таянч сўз ва иборалар: Фаргона водийси, иқтисодий район, трансминтақавий алоқалар, тарихий-маданий вилоятлар, этномаданий муносабатлар, тарихий чегаралар.

Шартли равишда “Амударё–Сирдарё иқтисодий зонаси” деб атаса бўладиган қадимги тарихий-маданий вилоятлар–Бактрия–Тоҳаристон, Хоразм, Суғд, Уструшона, Чоч, Фаргона каби алоҳида иқтисодий марказлардан иборат бўлиб, милоддан олдинги сўнгги мингийилликда уларнинг ҳар бири муайян бир тарихий-географик вилоят сифатида билина бошлаган[1]. Уларнинг бундай бўлинишида албатта иқтисодий ва географик омиллар етакчи ўрин тутган. Ўзаро қўшни жойлашиб, муайян бир занжир кўринишида тулашиб кетган ушбу тарихий-географик вилоятлар орасида ҳудудий жиҳатдан уларни ажратиб турувчи дарё, тоғ, дашт ва чўллар бўлиб, бу каби табиий-географик объектлар улар учун чегара вазифасини ўтаган.

Ўрта Осиё иқтисодий зоналари ичидаги энг йирик ва табиий ресурсларга бой бўлган Фаргона водийси асосан Тяншан ва Олой каби тоғлар орқали минтақанинг бошқа иқтисодий марказларидан бирмунча ажралиб турар эди. Фаргона водийсигининг деярли тўртта томони баланд тоғлар билан қуршалган бўлиб, фақатгина Хўжанд томонидан Ўрта Осиёнинг марказий ва жануби-ғарбий ҳудудлари бирмунча очиқ эди. Ўша даврларда ёқ йирик иқтисодий марказлардан бири сифатида шаклланган, Фарғонанинг кунботар томонидан жойлашган Чоч (Тошкент) воҳасига олиб борадиган йўл тоғ йўли[2]. – Кандирдовон орқали ўтиб, нисбатан қулай бўлса, водийсигин шимолидаги Талас водийси баланд тоғ дараларидан иборат бўлиб, бу ердан ўтадиган тоғ йўллари анчагина машаққатли эди. Шу боис, Фарғонанинг шимолида жойлашган Исфижоб (Сайрам) вилояти ва Тароз, Мерке, Чу каби Еттисув иқтисодий зонаси[3]. билан йўлга қўйилган алоқалар анчагина қийинчилик туғдирар эди. Фаргона ва Еттисув орасидаги иқтисодий муносабатлар мавсумий бўлиб, йилнинг куз, қишиш ва эрта баҳор ойларида савдо йўллари сустлашиб қолар, ёз ва бошқа фаслларнинг нисбатан қулай паллларида улар орасидаги ўзаро борди-келдилар фаоллашарди. Шу билан бирга, Фарғонадан Еттисув ўлкасига элтувчи савдо йўллари водийсигин шарқий қисмидаги Ўш ва Ўзганд вилоятлари орқали нисбатан қулай тоғ йўли – бугунги Сусамир довони ва Норин тоғидаги катта-кичик тоғ йўллари воситасида амалга оширилар эди[4].

Водийсигин шарқий қисмидаги жойлашиб, Амударё – Сирдарё оралиги каби бир неча тарихий-географик вилоятлардан ташкил топган Шарқий Туркистон эса йирик иқтисодий марказларга эга ҳудуд ўлароқ фарғоналикларни узликсиз равишида ўзига жалб қилиб келган. Айниқса, Шарқий Туркистоннинг энг йирик иқтисодий марказларидан бири бўлган Кошғар ҳудудий жиҳатдан бошқаларига нисбатан Фарғонага энг яқин ҳудуд сифатида бўлиб, [5] ҳар иккала ҳудуд орасидаги алоқалар тоғ йўли – довон (буғунги Эркештом) орқали йўлга қўйилган эди. Қизиги шундаки, Фарғона ва Кошғар аҳолисининг хўжалик турмуш тарзи, хунармандчилиги, урф-одатлари, ҳатто этномаданий жиҳатларида ўзаро үйғунлик кўзга ташланиб, бу эса узоқ асрлар давом этган иқтисодий ва маданий алоқаларнинг натижаси эди.

Шу ўринда, гарчи манбаларда бу масалада тўлақонли маълумотлар учрамаса ҳам, илк ўрта асрларга тегишли хитой йилномаларида бирорта воҳа хукмдорлиги ҳақида гап бор боргандা, кўп ҳолларда уларнинг «Ўрталиқ мамлакат» (Хитой)нинг пойтахти Чанъан шаҳридан ёки Еттисув ўлкасидаги Фарбий турклардан қанчалик узоқликда жойлашганини мезон қилиб олиш анъанаси бўлгани кўзга ташланиб, унга асосланиб Фарғона ва бошқа иқтисодий марказлар орасидани масофа ва чегаралар тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин. Жумладан, «Бэй ши» йилномасида Фарғона хукмдорлиги ҳақида: «*Боҳан (Фарғона) Пиёз төглари (Помир)дан гарбда 500 ли (чамаси 250 км) масофада жойлашган. . . шимоли-шарқда эса тукюе (турк)лар ўрдаси 2000 ли (1000 км) масофададир*»[6]. ёки «*Бей шу» ва «Суй шу» йилномаларида Кошғар хукмдорлигига доир «Шимоли-гарбда Пиёз төглари (Помир)га туташи. . . гарбда Боҳан (Фарғона)гача 1000 (500 км) ли.. шимоли-гарбдан тукюе (турк)лар ўрдасигача 1000 ли (500 км) атрофида*»[7]. шаклида маълумотлар учраса, «*Тан шу» йилномасида Чоч ҳақида гап боргандা «Ши (Тош) ҳукмдорлиги . . . пойтахт (Чанъан)дан 9000 ли, шимоли-шарқда Фарбий туркларгача чўзилган, шимоли-гарбдан Бола (Фороб/Ўтрор) билан туташи*»[8]. каби далиллар келтириладики, уларга таяниб, Фарғона ва унинг яқин қўшниларининг жойлашувини аниқласа бўлади.

Фарғона водийсига жанубдан қўшни бўлган тарихий-географик ўлкалар ва уларнинг минтаقا иқтисодий ҳаётида тутган ўрни борасида муайян бир фикр айтиш бошқаларига нисбатан бирмунча қийинроқ. Сабаби, Фарғона Олой ва Қоратегин тоғлари орқали Тоҳаристон ўлкаси билан чегарадош бўлиб, улар орасида жойлашган йирик иқтисодий марказлар бир-биридан анча узоқда ва тор тоғ дараларида ўрин олган эди. Кумед (Қоратегин), Вашгирд (Душанбе), Хуттал (Хатлон), Бадахшон каби ҳар бири Тоҳаристоннинг шимолий ва шимоли-шарқий қисмларида жойлашган тарихий-географик вилоятлар бирор хукмдорликлар сифатида бўлиб, уларнинг Фарғона водийси билан қўшничилиги ва иқтисодий алоқалари нисбатан заиф эди.

Мил.авв. II-І асрлардан бошлаб Хитой манбаларида Фарғона ҳақидаги аниқ маълумотлар пайдо бўла бошлаб, Хитойнинг Хан сулоласидаги У-Ди хукмронлиги даврида (мил.авв.140-87 йй.) “Фарбий ўлкалар” билан алоқалар ўрнатишга катта эътибор қаратилди. Мил.авв.138 йилда машхур Хитой дипломати Чжанг Сян (Чжань Цзянь) “Фарбий” ўлкаларга саёҳат қилиб, 13 йил давомида Марказий Осиё давлатларига, жумладан, Фарғона водийсига ҳам келади ва манбада бу ҳақда шундай дейилади: “*ўтроқ аҳоли ер ҳайдайди, галла ва шоли экади, уларда мусаллас навли узум, жуда кўплаб яхши отлар бор...*” [9]. Ушбу маълумотдан милоддан аввалги бир мингийилликнинг сўнгги асларида водийда аҳолининг асосий қисми дехқончилик билан шуғулланиши ва мамлакат аҳолисининг иқтисодий-маиший ҳаётида буғдой ва гуруч асосий ўрин тутгани англашилади. Шунингдек, узум ва узум маҳсулотлари, айниқса, узумдан шароб тайёрлаш водий аҳолисининг асосий машғулоти бўлгани, шу билан бирга, уларнинг иқтисодиётида зотли отлар етишириш ҳам устувор йўналиш бўлгани кўзга ташланади.

Хитойликлар томонидан Фарғона водийсига берилган таърифларда водий аҳолисининг асосан қуидаги хусусиятларига ургу берилгани кўзга ташланади: Булар: 1) буғдой ва шоли етишириши, 2) шароб тайёрлаши, 3) йилқичилиги, 4) ҳарбий тайёргарлиги[10].

Хитойлик муаллифларнинг диққатини водийнинг айнан шу томонлари ўзига тортиши диққатга сазовор бўлиб, Хитой салтанати қадим ва илк ўрта асрларда бир томондан асосан денгиз ва тоғлар орқали жанубда Ҳиндихитой ва Вьетнам, шимоли-шарқда Корея ва Япония мамлакатлари билан чегарадош бўлса, иккинчи томондан эса шимол ва шимоли-гарбда Ордос ўлкаси[11]. (Хуанхе дарёсининг юқори ҳавзаси), Узоқ Шарқ, Мўғулистан, Олтой ва Шарқий Туркистон ўлкалари билан тоғ, чўл ва даштлар орқали ҳамхудуд эди. Биринчи йўналишдаги мамлакатлар аҳолиси асосан шоли етиширишга ихтисосилашган дехқончилик ва денгиз маҳсулотлари билан кун кечирадиган ўтрок аҳолидан ташкил топган бўлса, шимол ва шимоли-гарбий йўналишдаги аҳолининг катта бир қисми чорвачиликка ихтисослашган кўчманчи ҳаёт

тарзига эга әлатлар, шу билан бирга, Шарқий Туркистанда сұғорма дәхқончилик устуворлық қилувчи иқтисодий турмуш тарзи етакчилік қиласы әди[12]. Хитойнинг жануби-гарбида ўрин олган Тибет ўлкаси эса иқтисодий томондан анча машаққатли ҳаёт кечириувчи, тик ва тор тоғ дараларида яшовчи ақолидан иборат әди[13].

Ён-атрофидаги қўшни халқлар хўжалик ҳаётидан хабардор бўлган хитойликларнинг ўзларидан анча узоқда жойлашган Фарғона водийсига бунчалик даражада қизиқиб, бу ер ақолисининг тирикчилигини батафсил таърифлаши бежиз бўлмаган. Ўша кезларда ривожланиш ва дунёнинг йирик кучларидан бирига айланниш учун албатта турли ресурсларга эҳтиёж туғилишини хитойликлар яхши билишган. Шу боис, улар ҳар бир мамлакат тўғрисида тўлақонли маълумотлар йиғишга интилганлар ва бу давлат сиёсати даражасига етган. Фарғонага келган ҳар бир хитой элчиси, савдогар ёки ҳарбийлар бўлсин бу ҳақда Хитой саройига маълумот етқазишига ҳаракат қилганлар. Гарчи, улар Шарқий Туркистандаги Турфон, Қораشاҳр, Хўтан ва Кошғарда ҳам Фарғонадагига ўхшаш ҳаёт тарзи устуворлигига гувоҳ бўлган ва бу ҳақда ўз хукуматига маълумот бериб турган бўлсалар-да, Фарғонага алоҳида ургу бериб ёзишлари негизида бир қатор мақсадлар ётган[14].

Фарғонанинг машҳур отлари мавзуси хитой манбаларида кўп бор тилга олиниб, буни Хан салтанати даврида ёзилган йилномалардаги маълумотлар тасдиқлайди. “Шижи”дан кейин ёзилган сулола тарихи “Ханшу” (“Хан сулоласи тарихи”) сарой тарихчиларидан иборат катта гурухи томонидан ёзилиб, уни охирига етказган Бан Гу асарда куйидагича маълумотлар келтиради: “*Фарғона давлатининг ҳукмдори Кивэйшиа (Косон) шаҳрида туради... Аҳолиси 60 минг оила, 300 минг кишидан иборат. [Шулардан] аскарликка яроқлиси 60 минг нафар. [Ҳукмдор қўйлостида] бир вазир ва бир вазир ёрдамчиси бор... [Фарғона давлатининг] ери, иқлими, бойлиги, аҳолининг урф-одатлари Да-юечжиси ва Парфия (Анси) билан бир хил, Фарғона атрофида узумдан мусаллас қилинади. [Бу ердаги] бойлар 10 минг пуддан зиёд мусаллас сақлайди. [Бу] мусаллас бир неча ўн ийл турса ҳам, бузилмас [маҳалий аҳоли] уни ичишини хуши кўрар экан. [Бу ердаги] отлар беда билан боқилар экан*”. Шунингдек манбада, отларни кўпайтириш, сиёсий воқеалар, Фарғонанинг чегаралари, хунлар билан муносабатлар ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд[15].

Фарғона водийси билан деярли бир хил табиий иқлим ва хўжалик ҳаётига эга иқтисодий марказлар ҳақида сўз борганда хитойликлар асосан Суғд ва Парфия ўлкаларига тўхталиб, улар орасида иқтисодий ва маданий жиҳатдан умумийлик борлигига ургу бериладики[16], бу ҳам бежиз эмас әди. Ўша кезларда атроф ўлкалар орасида ушбу иккала ўлка нисбатан йирик иқтисодий марказлар бўлиб, милоддан олдинги сўнгги бир мингийлликнинг охирлари ва милоднинг бошларида Чоч, Уструшона, Тўхористонга қараганда анча ривожланган әди. Айниқса, шаҳарсозлик соҳасида Суғд ва Парфия анча илгарилаб кетган бўлиб, ўнлаб шаҳар ва шунга ўхшаш аҳоли маскани қад кўтарган әди. Бу масалада Фарғона, Суғд ва Чоч воҳаси солиширилганда, илк иккитасида “шахарлашув”нинг Чочга нисбатан анча юқори бўлгани, факатгина илк ўрта асрларга келиб, вазият ўзгаргани, Чоч воҳасида ҳам ўнлаб шаҳарлар пайдо бўлгани[17] ва минтақанинг йирик иқтисодий марказига айлангани кўзга ташланади[18].

Қисқаси, қадим ва илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда юз берган трансмintaқавий иқтисодий алоқаларда Фарғона водийси ўзига хос ўрин тутиб, бу соҳада етакчи географик обьектлардан бири бўлгани кўзга ташланади. Ўзининг қулаги иқлим шароити, табиий ресурслари, ўтрок дәхқончилик ва ҳунармандчиликка мос хўжалик тарзи, халқаро савдо йўлида жойлашган йирик иқтисодий марказларга эгалиги, аҳоли сонининг кўплиги, ўнлаб шаҳарларининг мавжуд бўлганлиги ва шу каби жиҳатлари билан атроф ўлкалар учун муайян бир иқтисодий марказ вазифасини ўтагани билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Малявкин А. Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – Новосибирск: Наука, 1981. – С. 5-6; Фойибов Б. Сүфд тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2020. – Б. 27-30.
2. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Т., 2008. – Б. 77-79.
3. Бобоёров F. Farbii Turk xoqonligining давлат тузуми. Tariх fannlari dok.diss. автореферати. – Т., 2012. – Б. 20, 37.
4. Мавланов У. Коммуникации и торговые пути в средней азии: формирование и этапы развития. Автореф. дисс. и на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Т., 2009. – С. 23.
5. Малявкин А. Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – С. 15, 56.
6. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 274
7. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 258, 284
8. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 313; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 140–141
9. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. – Алматы: ТОО «ЖалынБаспасы» 1998. – Ч. II.С. 192.
10. Ордос – бугунги кунда XXРдаги Ички Монголия автоном райони жойлашган худуд қадимда олтой тил оиласи, хусусан, туркийлар яшаган ўлка бўлиб, Хуанхэ дарёсининг юқори ҳавзасидаги унумдор ерлардан иборат бўлган (қар. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Пратюркский язык-основа. Картина мира пратюркского этноса по данным языка. Отв. ред. Э. Р. Тенишев, А. В. Дыбо. – М., 2006. – С. 405).
11. Малявкин А. Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – С. 56.
12. Малявкин А.Г. Борьба Тибета с Танским государством за Кашгарию. Новосибирск: Наука, Сибирское отделение, 1992.– С. 17-20.
13. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона. 2013. – Б. 4-6, 20-21.
14. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар ... – Б. 70-74.
15. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 153.
16. Бобоёров F. Farbii Turk xoqonligi даврида Чоч воҳасида шаҳарсозлик ривожланишининг омилларига доир // Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти анъаналари. Илмий конференция материаллари. – Т., 2010. – Б. 178.
17. Хатамова М. Турк xoqonlarining Чочдаги қароргоҳлари: Жабгуват ва Хотункат // O'zbekiston tarixi, №1, 2009. – Б. 3-13.

Резюме

Нурматов А.

Фарғона водийсининг трансмintaқавий иқтисодий алоқалардаги ўрни

Ушбу мақолада муаллиф антик ва илк ўрта асрлар даври Фарғона водийсининг трансмintaқавий алоқаларини археологик ва ёзма манбалар орқали таҳлил этиб, ўз хуносаларини берган.

Резюме

Nurmatov A.

Роль Ферганской долины в трансконтинент экономических отношениях

В данной статье автор проанализировал трансэтнические связи Ферганской долины периода античности и раннего средневековья с помощью археологических и письменных источников и сделал свои выводы.

Resume

Nurmatov A.

The role of Fergana Valley in transnational economic relations

In this article, the author analyzed the transnational links of the Fergana Valley of the period of antiquity and the first Middle Ages through archaeological and written sources and gave his conclusions.

Наширга проф. Ў. Мавлонов тавсия этган

Xudoyqulov T., G'aniyev A., Toshev S. Boburiylar avlodlarining dunyo sivilizatsiyasidagi o'tnini intellekt xarita (Mind map) yordamida ko'rsatish.....	173
Ҳаққулов С. Қадимги Қашқадарё воҳаси аҳолисининг этник тарихи.....	176
Ҳасанов М. "Анналлар" Француз тарих мактаби ёхуд тарих илмидаги бурилиш.....	178
Ҳакимов А. Фарғона водийси урбанизация жараёнлари тарихининг ўрганилиши (қадимги Куба-Қубо шаҳар харобаси мисолида).....	180
Хошимов С. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний уламоларга нисбатан юритган қатағон сиёсати.....	184
Холмўминов Ҳ., Эшмўминов О. Сурхондарё воҳасида аҳоли демографик жараёнлари (1930-1950й.)	187
Худоёров Н. Ўзбекистонда ташкил этилган меҳнат посёлкаларидағи маҳсус кўчирилганларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти.....	190
Ҳасанов А. Сурхондарё воҳаси шаҳарлари тараққиётидаги ўзгаришлар.....	192
Чориев А., Низомов Ҳ. Ўзбекистон ва Туркманистон мамлакатлари: маданиятлар ҳамкорлиги ва мулоқоти йўлида.....	196
Ширинов С. Совет давлатининг Африка давлатлари билан сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқалари (Ангола республикаси мисолида).....	198
Шерназаров Ш. Ёшларни жамият ва давлат билан диалектик алоқадорлигининг ҳукуқий асослари).....	201
Эшов Б. Ўрта Осиёning қадимги шаҳар маданияти тарихи масалалари бўйича айrim мулоҳазалар (Фарғона водийси мисолида).....	203
Эшматов М. Фалсафий адабиётларда цивилизация атамасининг қўлланилиши масалалари.....	210
Эшов Ҳ. Маънавий таҳдидларга қарши қурапи тушунчасининг гнезиси ва эволюцияси.....	213
Юсупов Э., Юсупов А. Культурное наследие Узбекистана – фундамент нового ренессанса.....	216
Якубов А. Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси янги Ўзбекистоннинг ҳукуқий асоси сифатида.....	218
Сунатов Д. Маданий макон ҳақидаги қарашларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари.....	222
Нурматов А. Фарғона водийсининг трансмінтақавий иқтисодий алоқалардаги ўрни....	225
Эрназаров А. XIX аср охири - XX аср бошларида Ғузор беклигига ижтимоий-иқтисодий аҳвол.....	229
Олимов Ж. Ўзбекистон худудида ўрмон ҳўжаликларининг ташкил қилиниши ва уларнинг ҳалқ ҳўжалигидаги ўрни.....	232
Раунов Ҳ. "Мурунтов" кони: тарихи ва бугуни.....	236
Атамуратов М.У. Ўзбекистонда бошқарув кадрлар компетентлигини юксалтиришнинг устувор йўналишлари.....	239
Насимов А.Н.-Академик Карим Шониёзов тадқиқотларида Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари аҳолиси этник тарихи муаммосининг ёритилиши.....	243